

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВА РАХИМА ЖАМШЕДОВНА

**СЕРВИС КОРХОНАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА УЛАРДА
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
(Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналари мисолида)**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Курбанова Рахима Жамshedовна

Сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш (Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналари мисолида) 3

Курбанова Рахима Жамshedовна

Модернизация предприятий сервиса и повышение эффективности обслуживания (на примере предприятия общественного питания Самаркандской области)..... 27

Kurbanova Rakhima Jamshedovna

Modernization of service enterprises and enhancing the effectiveness of service (on the example of public catering in the Samarkand region) 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВА РАХИМА ЖАМШЕДОВНА

**СЕРВИС КОРХОНАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА УЛАРДА
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
(Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналари мисолида)**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt99 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sies.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдукаримов Барат Али Абдукаримович иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Тухлиев Искандар Суюнович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Арабов Нурали Уралович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «__» ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 9-уй. Тел.:(998 66) 233-34-76; Факс:(998 66) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» ____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» ____ №____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент
Н.Э.Ибадуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.
М.М.Мухаммедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги мамлакатлар тажрибасига кўра, хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида банд аҳолининг асосий қисми, жумладан, “АҚШда 80 фоиз, Японияда 70 фоиздан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳиссасига тўғри келади”¹. Ҳозирги вақтда умумий овқатланиш корхоналарининг бозордаги ялпи айланмаси “Россияда 1 301 млрд. сўм, Германияда – 3 400 млрд. сўм., АҚШда эса 43 468 млрд. сўм, яъни йилига 1% дан 3% гача ўсишини кўришимиз мумкин”². Хизмат кўрсатиш корхоналарига бўлган эҳтиёжнинг ўсиши ва бу соҳанинг самарали ривожланиши учун янги ёндашувларни, шакл ва усулларни излаш ҳамда жорий этишни тақозо этади.

Жаҳонда умумий овқатланиш корхоналарини ривожлантириш, аввало, овқатланишнинг махсус технологияси асосида тайёрланиши, алоқа воситаларининг ривожланиши, хом-ашё ва маҳсулотларни етказиш воситаларини, ишлаб чиқариш жараёнларини техник-технологик янгила-нишини таъминланиши назарда тутилади. Шу жиҳатдан умумий овқатланиш корхоналарини модернизация қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сервис корхоналарида кўрсатилаётган хизматлар иқтисодиётнинг муҳим йўналиши ҳисобланиб, бу билан кўпгина ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари шуғулланмоқдалар. Сервис корхоналарининг ривожлантирилиши инсонларнинг турли хилдаги эҳтиёжларини қондириш вазифасини бажаради. Бундай вазифаларни бажаришда сервис корхоналарини модернизациялаш алоҳида роль ўйнайди. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам замонавий талабга мос келмайди. Шу боис ҳам, “...маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштириш”³ устувор вазифа сифатида белгиланди. Шунинг учун ҳам, сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сонли Қарори ва бошқа

¹ <https://www.statista.com/statistics/270072/distribution-of-the-workforce>.

² <https://nsportal.ru/2017/10/21/sovremennye-tendentsii-razvitiya-obshchestvennogo-pitaniya/>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947 - сон Фармони//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон.

меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сервис корхоналарини модернизациялаш, ҳамда унинг самарадорлигини ошириш муаммолари У.Ростоу, Х.Чуанки, С.М.Ямпольский, С.Г.Галуза, В.И.Терехин, В.И.Шалун, Ю.А.Львов, П.Самуэльсон, К.А.Раицкий, Т.В.Емельянова, О.П.Ефимова⁴ каби хориж давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан атрофлича ўрганилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам ушбу соҳа бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича М.Қ.Пардаев, И.Иватов, М.М.Мухаммедов, И.С.Тухлиев, Ё.А.Абдуллаев, А.В.Вахабов, Б.А.Абдукаримов, Д.Х.Асланова, Р.А.Сейтмуратов, Т.С.Шариповлар⁵нинг ишларида тадқиқ қилинган, аммо сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари илмий-назарий ва методологик жиҳатдан етарлича ўз аксини топмаган. Бу ҳолат эса мазкур соҳада илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодий ва сервис институтининг “Иқтисодийдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг назарий ва

⁴Rostow W. The Stages of Economic Growth. Cambridge University Press, 1991. - Business & Economics - 272 p, Chuanqi He Modernization Science: The Principles and Methods of National Advancement Springer Science & Business Media, 2012. - 648p., Ямпольский С.М., Галуза С.Г. Экономические проблемы управления научно-техническим прогрессом. Киев: Наук. Думка, 1976. С.364; Терехин В.И. Повышение эффективности производства новой техники. Москва “Экономика” 1987. - С.8-50; Шалун В.И. Общественное питание - на новый технический уровень. Москва «Экономика» 1987. С.24-84; Львов Ю.А. “Основы экономики и организации бизнеса”. - С.Петербург – МГП “ФОРМИКА”.-1992 -384с; Самуэльсон П. “Экономика” 1 том .М.:НПО “Алган” ВНИСЧИ 1992 г – 335 стр.; Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник.- М.:ИВЦ «Маркетинг» 2003.с.683; Емельянова Т.В. Экономика общественного питания.-Минск: Высшая школа. 2003; Ефимова О.П. Экономика общественного питания. Минск. Новое знание, 2008.с.348

⁵Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Модернизация, диверсификация ва инновация - иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари: Монография.:Навруз, 2014.104 б.; Иватов И. Ресторанное хозяйства в туристической сфере. Учебное пособие. - Т.:ТГЭУ,1998. - с131.; Мухаммедов М.М. и др. Экономика торговли. Самарқанд.1998.с.282; Тухлиев И.С. ва бошқалар. “Туризм: назария ва амалиёт” Дарслик. Т.: “Фан ва технология”, 2018-264б.; Абдуллаев Ё.А. Статистиканинг умумий назарияси. Дарслик. Т.: “Ўқитувчи”, 1993-240б. Бозор иқтисодиёти асослари:Т.: “Меҳнат”, 1997- 432б., Макроиқтисодий статистика.-Т.: “Меҳнат”,1998.-382б. Статистика назарияси.- Т.: “Меҳнат”,2000.-448б., Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: “Меҳнат”, 2002.-215б.; Вахабов А.В.,Разыкова Г.Х. Модернизация экономики –Т.: Иқтисод – Молия, 2014й. 200с.; Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти.-Т.: “Фан ва технология”, 2008.-224б.; Асланова Д.Х. Трудоёмкость продукции общественного питания и резервы её снижения: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.- Киев. 1992-с.20. Сейтмуратов Р.А. Модернизация общества и структурное обновление экономики Республики Узбекистан: Монография.Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.140 с.; Шарипов Т.С. Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Самарқанд 2010 й.60 бет.

амалий муаммолари” 2016-2020 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“хизмат”, “хизмат кўрсатиш” ва “сервис” тушунчаларининг иқтисодий манфаат келтириш йўлидаги ҳаракатнинг самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан такомиллаштирилган таърифини ишлаб чиқиш;

хизмат кўрсатиш ва сервиснинг мустақиллик давридаги ривожланишининг ўзига хосликларини аниқлаш;

хизмат, хизмат кўрсатиш, сервиснинг назарий таҳлили асосида модернизациялаш корхонанинг сервислаштириш омили эканлигини асослаб бериш;

сервис корхоналарини модернизациялаш масалалари бўйича илмий-назарий таклифлар ва корхона техник-иқтисодий даражасини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

Самарқанд вилоятидаги умумий овқатланиш корхоналарининг инновацион ҳолати баҳоланиб, истиқболли имкониятларини белгилаш;

умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигининг техник-иқтисодий даражаси ва асосий фондларининг янгилиниши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

умумий овқатланиш корхоналарида такомиллаштирилган хизмат кўрсатиш сифат кўрсаткичлари ва ишчи-ходимлар меҳнатини баҳолаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятидаги умумий овқатланиш корхоналари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришда амалга оширилаётган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, таҳлилнинг мантикий ва таққослаш усуллари, статистик ва эконометрик моделлаштириш, социологик сўровнома усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“хизмат”, “хизмат кўрсатиш” ва “сервис” тушунчаларининг таърифи иқтисодий манфаат келтириш йўлидаги ҳаракатнинг самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан такомиллаштирилган;

умумий овқатланиш корхоналарининг функционал кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

умумий овқатланиш корхоналарининг инновацион фаолиятига таъсир этувчи омиллар ва корхона техник-иқтисодий даражасидан келиб чиққан

ҳолда янги жиҳозларни танлаш, алмаштириш орқали самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

умумий овқатланиш корхоналарида ишчи-ҳодимлар меҳнатини баҳолаш ва узлуксиз назоратини олиб бориш учун такомиллаштирилган сифат кўрсаткичлари тизими, маҳсулотлар (таомлар) ва хизмат кўрсатиш сифатининг назоратини олиб бориш учун “бракераж” усули тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хизмат, хизмат кўрсатиш ва сервиснинг таърифи асосида хизмат кўрсатиш ва сервис корхона ходимларининг мажбурият талабларига яхшилик ва эзгулик фазилатларни сингдириш таклиф қилинган;

хизмат кўрсатиш, сервис корхоналарини модернизациясини амалиётда тадбиғини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун корхоналарнинг техник-иктисодий даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилган ва янги жиҳозларни танлаш, алмаштириш бўйича тавсиялар берилган;

умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш сифатини ва самарадорлигини ошириш учун такомиллаштирилган овқатланиш ва савдо хизматлари сифат кўрсаткичлари ва ходимларни рағбатлантириш усули тавсия этилган;

хизмат, хизмат кўрсатиш ва сервис таърифлари, такомиллаштирилган бозор иқтисодиётининг “оқимлар айланма диаграммаси” ва “хизматлар таснифлагичи модели” хизматлар соҳасига оид фанларни ўқитиш сифатини оширишда қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда илмий натижаларнинг ишончлилиги қўлланилган услубий ёндашув ва усуллар, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг апробациядан ўтказилгани, муайян илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилингани ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти диссертация натижалари сервис корхоналарини модернизациялашга йўналтирилган аниқ тавсияларнинг назарий ва методик асосларини шакллантириш имконияти мавжудлигида ифодаланади. Бу тавсиялар мажмуаси сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш имкониятини яратади. Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта махсус касб ҳунари таълими тизимида хизматлар соҳасида иқтисодчилар, менежерлар, маркетинглар, магистрларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг назарий-илмий хулосалари ва методик тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси ошпазлар уюшмаси фаолиятида ва 2016-2020 йилларгача хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар амалиётга қўлланилиши асосида:

“хизмат”, “хизмат кўрсатиш” ва “сервис” тушунчаларининг таърифи иқтисодий манфаат келтириш йўлидаги ҳаракатнинг самарадорлигини ошириш нуктаи назаридан такомиллаштирилган таърифлари олий таълим бакалавриат йўналиши учун мўлжалланган “Хизмат кўрсатиш корхоналарининг электрон техникаси” ўқув қўлланмасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги буйруғи, 531-324-сон гувоҳномаси). Натижада “хизмат”, “хизмат кўрсатиш” ва “сервис” тушунчаларини ижтимоий-иқтисодий мазмунини тизимли ва кенгроқ тушуниш орқали хизматлар соҳасига оид фанларни такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини ошириш бўйича талабаларда назарий билим ва амалий кўникмаларини ҳосил қилишга эришилган;

умумий овқатланиш корхоналарининг функционал кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш усули Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 90-сон маълумотномаси). Ушбу усулнинг амалга оширилиши умумий овқатланиш корхоналарининг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш имкониятини яратган;

умумий овқатланиш корхоналарининг инновацион фаолиятига таъсир этувчи омиллар ва техник-иқтисодий даражасидан келиб чиққан ҳолда янги жиҳозларни танлаш, алмаштириш орқали самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 90-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши умумий овқатланиш корхоналарининг техник-иқтисодий даражаси ва самарадорлигининг ўзаро боғлиқлигини асослаш имкониятини яратган;

умумий овқатланиш корхоналарида ишчи-ходимлар меҳнатини баҳолаш ва узлуксиз назоратини олиб бориш учун такомиллаштирилган сифат кўрсаткичлари тизими, маҳсулотлар (таомлар) ва хизмат кўрсатиш сифатининг назоратини олиб бориш учун “бракераж” усули бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 17 сентябрдаги 02-4859-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат сифатини баҳолаш ва рағбатлантиришга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижасида олинган хулосалар ва илмий натижалар 6 та халқаро ҳамда 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий натижалари 24 та иш, жумладан, 1 та яккамуаллифликдаги монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

ОАКнинг докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, шулардан 4 таси республика, 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сервис корхоналарини модернизациялаш билан хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида сервис корхоналарини модернизациялаш мақсадида хизмат, хизмат кўрсатиш ва сервиснинг таҳлили ўтказилиб, унинг асосида хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис тушунчалари ва улардан келиб чиқадиган иқтисодий айланма модели ва хизматлар таснифлагичи модели такомиллаштирилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш, сервиснинг ҳолати таҳлил этилиб, унинг ривожланиш босқичлари ва келажаги, сервис корхоналарида хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда модернизациянинг объектив зарурат эканлиги ёритиб берилган.

Маълумки, ҳар бир соҳанинг ривожланиш қонуниятлари, хусусиятлари, янги назарияларнинг келиб чиқиш шароитлари илмий тафаккур усулини радикал равишда ўзгартирувчи илмий фикрлар соҳа тарихида мунтазам равишда бўлиб турган ва охир оқибат маълум соҳанинг тўлиқ шаклланишига сабаб бўлган. Хизмат кўрсатиш, сервиснинг назарий таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда унинг назарияси парадигма ҳолатида, яъни ҳозирги изланиш вазифаларини ечиш учун кўпчилик томонидан қабул қилинган назария даражасидадир. Олиб борилган таҳлил сервис соҳасининг эволюцион ривожланиш йўлидан бораётганини кўрсатди. Ривожланиш босқичлари давомида шаклланиши ва турли фаолият даражасидаги муаммоларни ечиш йўлларига, яъни турли инновацион тушунчага эга бўлиши талаб этилади. Аммо ҳозирги вақтда кўпгина муаллифларнинг таъкидлашича, сервиснинг таърифий ифодаланишида умумий бирлик сезиларли даражада эмас ва шу билан бирга, унинг умумий илмий меъёри ҳам етарлича ёритиб берилмаган. Сервиснинг ривожланиш босқичларидаги трансформацияси шуни кўрсатадики, унинг эволюцион ривожланиш тарихида, айниқса, охирги вақтларда «сервис» дефиницияси⁶ очиб, уни меъёрлаштиришга интиломда ва асосий мунозара бу «сервис» ва

⁶лат. Definitio қандайдир тушунчанинг қисқача (асосий хусусиятларини ўз ичига олган ҳолатида) илмий таърифи.

«хизмат» тушунчаларининг идентификацияси борасида бормоқда. Индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтишида, айниқса, ғарбдаги иқтисодиётда юқори иш ҳақи сиёсати натижасида, халқнинг сотиб олиш қобилиятини кескин ошиши хизмат соҳасининг аҳамиятини ошириб юборди. Натижада «глобал сервис кенглиги», «дунё ва миллий иқтисодиётнинг сервисизацияси», «хизматлар янги иқтисодиёти», «сервис типдаги иқтисодиёт» ва ҳ.к. тушунчалари келиб чикди⁷ ва иқтисодиётда ўз ўрнини топди. Хизматнинг кундан кунга такомиллашиб, сервисга ўтишини, унинг синергетик хусусиятга эга эканлиги олимлар томонидан тўлиқ ўрганилмоқда. Лекин, хизмат парадигмаларининг изланишида: хизмат ва товар бўлинишидан, барча хизматларни умумий меъёр остида қарашдан воз кечиб, хизмат турларини алоҳида изланишини ташкил этишни ва хизматни товардан фарқ қилган ҳолда янги тавсифини излашни таклиф этилиши бу соҳадаги илмий изланишни жадаллаштирмоқда. Охириги йилларда ўтказилган тадқиқотлар ҳақли равишда хизматнинг жараён эканлигини таъкидлаб келмоқда. Хизмат жараёнида маълум кетма-кетликда ҳаракатлар ёки операцияларнинг бажарилиши «...хизмат кўрсатиш жараёнлар сценарияси» эканлигини «хизматлар театридаги сервис жараёнларда мижозлар билан алоқада бўлиш»⁸, «...хизмат - ҳаракатни билдиради»⁹ деб кўрсатмоқда. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис тушунчаларининг бир-бирига боғлиқлик тузилмаси (1а-расм) таъкидланса, мантиқий фикр тугамайди. Лекин кўпгина олимларнинг хизматни жараён деб таъкидлашлари, хизмат таърифи муаммосини бир мунча тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Хизмат, хизмат кўрсатиш ва сервиснинг назарий таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг тушунчаларини таърифга ўтказиш учун кетма-кет боғлиқлик тузилмасини қабул қилишимиз лозим (расм-1б).



1а,б-расм. Хизмат, хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчаларининг бир - бирига боғлиқ тузилмаси¹⁰

Тадқиқот жараёнида, хизматнинг жараён эканлиги, жараённи эса ҳаракат сифатида инсоният жамиятининг ривожланиши ва равнақ топишига қаратилганлигини инобатга олган ҳолда, **хизмат** - инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилик, эзгулик билан манфаат келтириш йўлидаги ҳаракатидир, деган таъриф берилди. Хизматга шундай парадигмал таърифни беришдан мақсад, хизматга бўлган муносабатни ўзгартириш, у асос

⁷Аттали Ж.Избранное. На пороге нового тысячелетия. М.: Международные отношения, 1993. М.: ИНФРА-М, 2001. 35 с.

⁸Лавлок К. Маркетинг услуг: Персонал, технологии, стратегии пер.с англ. 4-е изд.М.:Издательский дом «Вильямс» 2005 г.

⁹Лавлок К. Маркетинг услуг:Персонал, технологии, стратегии пер.с англ 4-е изд М.: Издательский дом «Вильямс» 2005 г.

¹⁰ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

бўладиган барча соҳаларда жамиятнинг ахлоқий юксаклигини, фаровонлигини, тараққиётга тезроқ эришиш йўлидаги хизматда хушфёълликни, ҳалолликни, бағрикенглик сингари фазилатларни сингдириш, жамиятда яхшиликни, эзгуликни устувор бўлишини таъминлаш ҳисобланади.

Хизматни жамиятдаги инсонларнинг бир-бирига бўлган турли хилдаги муносабатининг иқтисодий жиҳатдан намоён бўлишини хизмат кўрсатиш эканлигини асослаган ҳолда, унинг таърифини қуйидагича ифодалаш мумкин: **хизмат кўрсатиш** – инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилик, эзгулик билан манфаат келтириш йўлидаги фаолият олиб бориш ҳаракатидир. Хизмат ва хизмат кўрсатиш жараёнида ҳар иккала томон манфаатдорлигини инобатга олган ҳолда, хизмат кўрсатувчида даромад, фойда олиш, истеъмолчида эса хизматни сарф-харажати бажариб, кўрсатилган хизматдан мамнун, рози бўлиш мақсади устувор ҳисобланади.

Хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда **сервис** – инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилик, эзгулик билан манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан юқори малакада замонавий воситалар ёрдамида комплекс (бир вақтнинг ўзида бир нечта хизматларни кўрсатиш) фаолияти олиб бориши ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида хизматлар деганда яхшилик, эзгулик мақсадида инсоннинг инсонга (инсонларга) қилган ҳаракатини тушунар эканмиз, бундай фаолият олиб боришида хизматларнинг айрим турлари бепул бозорга сотилмай бажарилишини кўраемиз. Тадқиқот ишида келтирилган бозор иқтисодиётининг “Оқимлар айланма диаграммаси” (Н.Менькю¹¹, П.Самуэльсон¹²) моделига талаб ва таклиф, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар киритилиб, пулли кўрсатиладиган хизматларни товар ва хизматлар бозорига киритиш, бепул кўрсатиладиган хизматларни эса бозордан четлатиб тўғридан-тўғри ўтказиш билан такомиллаштирилди.

1- жадвал

Ўзбекистонда мустақиллик давридаги хизмат кўрсатиш ва сервиснинг эволюцион ривожланиш босқичлари¹³

I – босқич (1991-1997 й)	Кўп укладли иқтисодиётга ўтиш, хизмат тизимини ислоҳ қилиш, хизмат кўрсатиш фаолиятига эркинлик бериш.
II – босқич (1997-2006 й)	Хизмат кўрсатиш, сервис тизимини ривожлантириш учун ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий шароит яратиш.
III – босқич (2006- 2017 й)	Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хизмат кўрсатиш, сервис тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.
IV – босқич 2017 йилдан ҳ.в.	Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий стратегик ривожлантиришда хизмат кўрсатиш, сервис тизимини “Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешта устувор йўналиши бўйича модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан рақобатбардошлигини ошириш.

¹¹ Н.Менькю “Принципы Экономикс” СПб: Питер Ком, 1999. — 784 с.

¹² Samuelson P. A. (1958) An exact Consumption-Loan Model of Interest with or without the Social Contrivance of Money. Journal of Political Economy, 66 (6), pp. 467—482. (англ.).

¹³ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётида соҳаларнинг босқичма-босқич самарали ривожланиши таркибида хизмат кўрсатиш ва сервиснинг мустақиллик давридаги эволюцион ривожланишини таҳлил этган ҳолда унинг ривожланишини босқичларига (1-жадвал) бўлиш таклиф қилинди.

Таклиф қилинган сервис таърифини моҳияти ва ундан келиб чиқарилган вазифаларни аниқлаш учун таркибий жиҳатдан қуйидаги қисмларга бўлинади:

- инсон(лар)нинг инсон (лар)га яхшилик йўлидаги ҳаракати;
- манфаат келтириш йўлидаги фаолият кўрсатиш ҳаракати;
- юқори малакада замонавий воситалар ёрдамида комплекс фаолият олиб бориши.

Демак, сервис корхоналарнинг самарадорлигини ошириш учун:

- ижтимоий-маданий модернизациялаш;
- иқтисодий модернизациялаш;
- интеллектуал ва техник - технологик модернизациялашни бажариш зарурати борлигини тақозо этмоқда.

Диссертациянинг **“Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналарини модернизациялаш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш”** деб номланган иккинчи бобида умумий овқатланиш корхоналарини модернизациясида инновацион ҳолати баҳоланган, умумий овқатланиш корхоналарининг техникавий ва функционал кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, корхонанинг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилган ҳамда унинг корхона самарадорлигига боғлиқлиги тадқиқ қилинган.

Таъкидлаш лозимки, модернизация ҳолати, биринчи навбатда, корхонанинг инновацион фаолиятдан келиб чиқади. Шунинг учун корхонани модернизациялашда ижтимоий-маданий, иқтисодий, интеллектуал ва техник-технологик ва бошқа омиллар таъсир этади. Ушбу омиллар таъсирини ўрганиш мақсадида Самарқанд вилоятидаги 191 та умумий овқатланиш корхоналари (ресторан, ошхона, кафе ва чойхоналар) танланиб, 2017 ва 2018 йилларда сўровнома усули орқали инновацион фаолиятга тўсқинлик кўрсатувчи ҳамда ривожлантириш омиллари аниқланди. Инновацион ҳолатни аниқлашда сўров усулидан фойдаланилди. Барча умумий овқатланиш корхоналарида модернизацияни амалга ошириш учун инновацион фаолиятига салбий таъсир этувчи омиллар кўрсатилган сўров анкетаси орқали сўров ўтказилди. Сўров анкетасида кўрсатилган омилларнинг ҳар бирига тўрт хил жавобдан: асосий, аҳамиятли; аҳамиятсиз; жавоб беришга қийналаман деган жавоблардан бири берилди. Сўровга жами 17 та омил уч гуруҳга: иқтисодий (6 та омил), ишлаб чиқариш (6 та омил) ва бошқа турдаги (5 та омил)лар киритилди. Агар омил «асосий» деб тавсифланса унинг салмоқлилик коэффиценти 1 га тенг деб олинади, «аҳамиятли» деганда 0,6 коэффицент, «аҳамиятсиз» дейилса, унинг коэффицентга 0,2 га тенглаштирилади. Охириги «жавоб беришга қийналаман» баҳосига 0 минимал коэффиценти берилди. Ҳар бир омилни

баҳолаш учун омил тўсқинлик индекси ҳисоблаб чиқилади. Индексни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаландик:

$$I = \left[\frac{\sum_{i=1}^n (X_i \times Y_i)}{\sum_{i=1}^n X_i} \right] \times 100\% \quad (1)$$

Бу ерда: I – тўсқинлик индекси; n-инновацион фаолиятга берилган баҳолаш жавобининг сони (бизда n = 4); i-жавоб вариантнинг тартиб номери; X_i- жавоб берганлар сони; Y-салмоқлилик коэффициенти (Y = 1,0; 0,6; 0,2; 0). Шундай қилиб, I – индекси 0 дан 100% гача нормаллаштирилиб, 100% максимал қаршилик омили ҳисобланади.

2-жадвал

Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари инновацион фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар индексини баҳолаш¹⁴, %

№	Омиллар	2017	2018	I - индекс ўртача
1	Иқтисодий омиллар			
1.1	Ўз маблағининг етишмаслиги	68,06	68,10	68,08
1.2	Давлат томонидан молиявий ёрдамнинг етишмаслиги	40,41	38,91	39,66
1.3	Янги маҳсулотларга тўлов истеъмолининг камлиги	21,78	31,17	26,47
1.4	Янги техника киритиш юқори қийматлиги	57,06	62,88	59,97
1.5	Юқори иқтисодий хавф-хатар	52,25	57,47	54,86
1.6	Янгиликнинг узок муддатга қопланиши	31,83	29,54	30,68
2	Ишлаб чиқариш (технологик) омиллари			
2.1	Ташкилотнинг паст инновацион фаолияти	47,30	43,24	45,27
2.2	Малакали кадрларнинг етишмаслиги	51,37	55,85	53,61
2.3	Янги техника технологиялар бўйича ахборотнинг камлиги	62,09	72,61	67,35
2.4	Сотиш бозори ҳақидаги информациянинг камлиги	62,40	73,15	67,77
2.5	Корхонанинг янгиликни қабул қилиш қийинлиги	51,41	56,03	53,72
2.6	Илмий ташкилот ва бошқа корхоналар билан алоқанинг камлиги	59,58	52,07	55,82
3	Бошқа омиллар			
3.1	Истеъмолчининг инновацион маҳсулотга талабининг камлиги	53,40	55,13	54,26
3.2	Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи норматив ҳужжатлар ва қонунларнинг етишмаслиги	56,54	57,65	57,09
3.3	Инновацион жараён муддатининг ноаниқлиги	48,16	38,55	43,35
3.4	Инновацион инфратузилмасининг ривожланмаганлиги	48,58	40,36	44,47
3.5	Технологиялар бозорининг ривожланмаганлиги	56,54	53,15	54,84

Сўровда 17 омил қатнашганлиги учун биз ўртача қийматини топамиз. Самарқанд вилоятидаги умумий овқатланиш корхоналарининг инновацион фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар 2017 йил ҳолати бўйича ўтказилган сўров натижалари аксарият корхоналарда «Ўз маблағининг етишмаслиги» иқтисодий омили юқори даражада эканлигини кўрсатди (2-жадвал).

¹⁴ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида шакллантирилган.


3 - жадвалда инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омилларининг индекслари ҳисоби келтирилган.

3-жадвал

2017-2018 йилларда инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар гуруҳи¹⁵,%

Омиллар гуруҳи	2017	2018	I - индекс ўртача
Иқтисодий омиллар	45,23	48,01	46,62
Ишлаб чиқариш (техник-технологик) омиллари	55,69	58,82	57,25
Бошқа омиллар	52,64	48,96	50,8
Жами индекслар	51,18	51,93	51,55
барча жавоблар, бирлик	191	111	151

Шунингдек, 2018 йил Самарқанд шаҳар «Юлдуз» ресторани бўйича алоҳида ўн кишидан иборат сўров комиссияси ташкил этилиб, сўров ўтказилди. Сўровнома саволларида инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар ҳамда инновацияни ривожлантирувчи омиллар кўрсатиб ўтилган. Олинган натижалар бўйича инновацион ривожланиш кўрсаткичларининг сифат таҳлили ўтказилган ҳолда икки гуруҳ инновацияга тўсқинлик қилувчи ҳамда корхона инновацион фаолиятининг ривожланиш омилларини баҳолаш бажарилган. Баҳолашда интеграллашган 4 баллик рейтинг баҳолаш методини: 3-кўрсаткичнинг энг юқори даражаси; 2-ўртача; 1-аҳамиятсиз; 0-таъсир даражасининг йўқлиги қўлланилган. Корхона инновацион фаолиятига тўсқинлик кўрсатувчи омиллар рейтингининг балли баҳолаш натижаси 2-расмда келтирилган.




2-расм. Корxonанинг модернизация ҳамда инновацион фаолиятига тўсқинлик кўрсатувчи омиллар рейтинги

Корхона инновацион фаолиятига тўсқинлик кўрсатувчи баҳоланган омиллар ичида корхонада янги техникалар ҳақидаги ахборотларнинг

¹⁵Муаллифнинг тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

етишмаслиги ва янги маҳсулотга бўлган талабнинг пастлиги нисбатан баҳоланди.

Корхонанинг 2017-2018 йиллардаги инновацион фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар рейтингини ўтказиб, натижалари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Корхона инновацион фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар рейтингини

Таҳлил натижаларига кўра, инновацион ҳолатга таъсир этувчи омиллар рейтингини шуни кўрсатдики, корхоналарнинг модернизациясида унинг техник-иқтисодий даражаси, яъни қанчалик техника-технологиясининг самарали ҳамда янги эканлиги алоҳида ўрин эгаллайди. Демак, корхона моддий-техника базасини вақт-вақти билан замонавий, иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган техника ва технологиялар билан алмаштириш лозим. Бундай вақтда табиий ҳолатки, корхонанинг қайси жиҳозларни янгилаш керак, деган амалий савол вужудга келади. Лекин, ҳозирги вақтда корхонадаги қайси жиҳозни қай бирига алмаштириш масаласи мавҳум ҳолда ҳал этилади. Бундай ҳолат ҳар доим ҳам масалани тўғри ечишга олиб келмайди ва натижада корхона рентабеллигига салбий таъсир этиши мумкин. Шунинг учун корхонадаги мавжуд техника-технологиялар асосида унинг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш лозим бўлади.

Тадқиқот жараёнида, жиҳозларнинг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш усули, янги техникани киритиш самарадорлигини ҳисоблаш усулларидадан фойдаланган ҳолда, хизмат кўрсатиш, сервис корхоналарининг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилган¹⁶ ва у умумий

¹⁶Р.Ж.Курбанова “Сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш”. Монография – Т.:«Наврўз» нашриёти,2013 йил.- 20 бет.

овқатланиш корхонасининг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш учун таклиф этилди:

1. Корхона моддий-техника базаси (асосий фондини)нинг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш вақтидаги ҳолатини аниқлаш;

2. Корхона моддий-техника базаси (асосий фондини)ни функционал ва улар тўғрисида маълумотларни йиғиш.

3. Ҳар бир функционал гуруҳ учун $K_{mu\partial}$ - техник-иқтисодий даража коэффициентини аниқлаш ва уларнинг ўртача математик қийматини корхона техник-иқтисодий даражаси деб қабул қилиш керак:

$$K_{mu\partial} = \frac{\sum_{n=i}^i \overline{K_{mu\partial ij}}}{n}, \quad (2)$$

Бунда: n- гуруҳлар сони;

4. $K_{mu\partial ij}$ - ҳар бир гуруҳдаги ҳисоблаш объектининг (техника, асбоб ускуналар ва ҳ.к.) техник-иқтисодий даража коэффициентини ўртача қиймати:

$$K_{mu\partial ij} = \frac{\sum_{n=i}^i \overline{K_{mu\partial is}}}{n}, \quad (3)$$

Бунда: n - шу гуруҳдаги объектлар сони.

$K_{mu\partial is}$ -объектлар (жиҳоз, асбоб-ускуна ва ҳ.з) техник-иқтисодий даража коэффициентини ўртача қиймати.

5. Янги техниканинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Ушбу усул асосида 2017 – 2018 йиллардаги Самарқанд вилоятидаги “Юлдуз” ресторани, “Ургут Файз савдо” ошхонаси, “Жума Файз” ресторанининг модернизация давридаги техник-иқтисодий даражаси аниқланди. Жумладан, Самарқанд шаҳар “Юлдуз” ресторанини асосий фондларини таҳлил қилишда, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги маҳсулотлар реализацияси ва истеъмолчини ташкил этиш вазифаларига қараб корхонанинг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш усули бўйича функционал гуруҳларга: 1. Ишлаб чиқариш жиҳозлари; 2. Мебеллар ва инвентарлар; 3. Бино ва иншоотлар; 4. Бошқа жиҳозлар ва инвентарларга ажратилди. Худди шунингдек, ишлаб чиқариш жиҳозлари гуруҳини функционал қайси жараёнини бажаришига қараб: 1. Механик жиҳозлар; 2. Иссиқлик жиҳозлари; 3. Совутиш жиҳозлари; 4. Салқинловчи жиҳозлар гуруҳига бўлинди.

Бунда ҳар бир гуруҳдаги инновацион янгиланиш таклиф этилган усулда ҳисобланиб, техник–иқтисодий даражаси таққосланиб танланди. Самарқанд шаҳар “Юлдуз” ресторанида қўлланилаётган жиҳозларни янгиланишини ундаги иссиқлик жиҳози бўлган фритюрницаларнинг танланиши мисолида кўриб чиқилди.

Корхонада ишлаб турган фритюрница жиҳозлари янги ишлаб чиқарилганлари билан таққосланди. Бунда ҳисобланаётган жиҳозларнинг танланган кўрсаткичларини бир хил салмоқлиликлка эга деб қабул қилинди ва 1 ва 2 база (корхонада ишлаб турган) жиҳозлар кўрсаткичлари бўйича салмоқлилик коэффициенти ҳисобланди (4-жадвал).

4 - жадвал

Самарқанд шаҳар “Юлдуз” ресторанининг ўзгарувчан база асосида иссиқлик жиҳозининг техник-иқтисодий даражасини ҳисоблаш¹⁷

Жиҳозлар		Кўрсаткичлар				Техник-иқтисодий даража коэффициенти			
		X ₁ кг/соат	X ₂ , кВт	X ₃ , кг	X ₄ , м ²	1-база бўйича	2-база бўйича	1-база бўйича 2-база шартида	2-база бўйича 1-база шартида
А	Электрофритюрница ФЭСМ-20	20	7,5	9,0	0,36	1	2,52	0,9	2,28
Б	Фритюрница ФЭСМ-16	16	6	18	0,2	0,57	1,5	0,7	1,49
База									
1	ФЭСМ-20	20	7,5	90	0,36	Ҳаммаси учун			
2	ФНЭ-5	8	4	25	0,11				
	Кўрсаткичлар бўйича салмоқлилик коэффициенти	0,25	0,25	0,25	0,25				
		0,13	0,69	0,07	0,09	1 база учун 2 база шароитида			
		0,14	0,44	0,21	0,19	2 база учун 1 база шароитида			

Бу ерда: x_1 – жиҳоз унумдорлиги, кг/соат; x_2 – электродвигатели қуввати, кВт; x_3 -массаси, кг; x_4 - эгаллаган жойи, м².

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, бир хил шароитда иккала база жиҳозларидан ФЭСМ-20 кўрсаткичлари кўпроқ энергия сарфланиши аниқланди. Лекин, шу жиҳоз кўрсаткичларининг салмоқлилик коэффициентлари таққосланганда қарийб бир хил унумдорликка эга бўлсада, унинг оғирлиги (метал сиғими) эгаллаган жойи қарийб 10 баробар кам. Энди янги ишлаб чиқарилган, ҳозирда сотувда мавжуд фритюрницаларни базада мавжудлиги билан таққосланди ва олинган ҳисоблар натижаси ҳам 4-жадвалга киритилди. Янги таклиф қилинаётган ФЭСМ-20 нинг худди шундай базадагиси билан $K_{мод} = 1$ эканлигини кўриш мумкин. Лекин, базадаги иккинчисидан $K_{мод} = 2,52$ баробар катта. Худди шундай ФЭСМ-16, ФЭСМ-20 дан кичик $K_{мод1} = 0,57$, ФНЭ-5 дан эса $K_{мод2} = 1,5$ катталигини кўришимиз мумкин. Агар ишлаб чиқаришда бўлган 1-база бўйича 2-база шарт билан, аниқроғи, иккинчиси эскирган бўлса ҳам унинг (ФНЭ-5) шартларини инобатга олган ҳолда ҳисоблаганда А жиҳоз ($K_{мод} = 0,9$), Б

¹⁷ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

жиҳозга ($K_{мид} = 0,7$) нисбатан устун эканлиги кўриниб турибди. Худди шундай, 2-база бўйича 1-база (ўзига ўхшаган, фақат йил ҳисобида олдинроқ ишлаб чиқарилган) шартда ҳам уларнинг техник-иқтисодий даражаси юқори эканлиги қайд этилди: $K_{мид2a} = 2,28$, $K_{мид2б} = 1,49$. Шу усул асосида корхонада мавжуд бўлган бошқа жиҳозлар ҳам ҳисобланди ва уларнинг ўртача техник–иқтисодий даражаси ($K_{мид2} = 1,7$) аниқланди.

5-жадвал

Самарқанд вилоятидаги умумий овқатланиш корхоналарининг техник-иқтисодий даражаси ва унинг самарадорлиги¹⁸

№	Гуруҳлар номи	$K_{мид}$			Э _п минг сўм		
		“Юлдуз” ресторани	“Ургут Файз Савдо” ошхонаси	“Жума Файз” ресторани	“Юлдуз” ресторани	“Ургут Файз Савдо” ошхонаси	“Жума Файз” ресторани
1	Механик жиҳозлар	1,59	0,8	1,3	420	270	230
2	Иссиқлик жиҳозлари	1,7	0,5	1,2	2384,6	1164,3	2354
3	Совутиш жиҳозлари	1,8	1,2	1,2	1289,7	754,5	574
4	Салқинловчи жиҳозлар	1,53	1,2	1,3	600,3	356,7	543,2
5	Мебел жиҳозлари	0,94	0,85	0,84	0,5	0,3	0,3
6	Бино ва иншоотлар	0,84	0,6	0,4	0,011	0,4	0,2
7	Бошқа жиҳозлар ва воситалар	0,88	0,7	0,54	0,55	0,5	0,64
	Ўртача қиймати	1,34	0,8	0,9	670	363,8	528,6

4-жадвал натижаларидан кўриниб турибдики, жиҳозларнинг катта қисми ҳозирги замон талабига биноан янгиланганлигини билдиради ва корхонанинг модернизация - инновация ҳолатини аниқлаш мумкинлигини кўрсатади. Худди шунингдек, корхонада асосий фонднинг бино ва иншоотлар, мебел ва инвентарлар ва бошқаларнинг янгиланганлиги самарадорлигини оширишга катта таъсир этади. Шундай қилиб, корхонанинг асосий фондлари бўйича ўртача техник-иқтисодий даражаси $K_{мид} = 1,7$ га тенг бўлади. Ундаги қўлланилаётган механик жиҳозларнинг гуруҳи $K_{мид} = 1,59$ ва салқинловчи жиҳозлар $K_{мид} = 1,53$ эса бошқаларга нисбатан паст эканлиги аниқланди.

Таҳлил жараёнида Самарқанд вилоятидаги “Ургут Файз Савдо” ошхонаси, “Жума Файз” ресторанида ҳам гуруҳ жиҳозларининг техник-иқтисодий даражаси аниқланди ва 5-жадвалга киритилди.

¹⁸ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

Корхонанинг моддий-техника базасининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда В.И.Шалун¹⁹ томонидан таклиф этилган, ҳар бир ишлаб чиқариш маҳсулотига (ишга) келтирилган сарф-харажат ҳисоби усулидан фойдаланилган ҳолда, бажарилган ишга энг кам сарф-харажат қилган инновацион тадбир самарали деб ҳисобланди.

